

Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2023 йил
21 апрель,
жума
№ 20 (950)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

● <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!
Дунёдаги жамийки ислом уммати қатори юртимиз мўмин-мусулмонлари ҳам катта шоду хушамлик билан кутиб олаётган улуғ айём – Рамазон ҳайити билан сиз, азизларни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборақбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва самимий тилакларимни билдиришдан ғоят мамнунман.

Қалбларимиз қувонч ва эзгулик нурига тўлиб турган ушбу саодат-

ли дамларда аввало мана шундай кутлуг ва мунаввар кунларга эл-юртимиз билан биргаликда соғомон етказгани учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Халқимиз азалдан инсонпарварлик, меҳр-оқибат, хайру саховат ва бағрикенглик рамзи сифатида қадрлаб, эъозлаб келадиган Рамазони шарифга бу йил ҳам пухта тайёргарлик кўрилиб, уни муносиб ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу эса

мўмин-мусулмонларимиз учун барча диний ибодатларни файзли ва мазмунли ўтказиб, ушбу муборак ойнинг шафоат ва фазилатларидан тўла баҳраманд бўлиш имконини берди. Айниқса, минглаб юртдошларимиз икки муқаддас шаҳар – Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварага бориб, айнан Рамазон кунларида Умра амалларини адо этиш бахтига мушарраф бўлганлари эътиборлидир. Биз буларнинг барчасини

дину диёнатини пок сақлаб, соф ниятлар билан яшаб келаётган халқимизга Аллоҳ таолонинг чексиз марҳамати сифатида қабул қиламиз.

Азиз юртдошлар!
Янги Ўзбекистонни қуриш жараёнида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори диний йўналишдаги ишларимиз ҳам янги босқичга кўтарилиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш арафасида халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси сифатида **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **541** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **374** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **110** нафари жазони ўташдан муддатидан ил-

гари шартли озод қилинди, **18** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **39** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **36** нафарини чет эл фуқаролари, **136** нафарини аёл, **75** нафарини **60** ёшдан ошган эркаклар ҳамда **6** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

Хабар

ОЛИЙ СУД РАИСИ АҚШ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ



Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Исламов Америка Қўшма Штатларининг элчиси Ж. Хеник билан учрашди.

Учрашув аввалида Б. Исламов Ж. Хеникни юксак ва масъулиятли вазифа – Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчиси лавозимига тайинланганлиги муносабати билан самимий кутлади.

(Давоми 2-бетда) ►

Оқлов

АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Олий судда 208 нафар юртдошларимиз номи оқланди

Мамлакатимизда тарихий адолатни тиклаш, мутабид тузум даврида ноҳақ айбланган, мол-мулк мусодаларида тилиб, ўзлари қувғину қатағонга дучор этилган аждодларимиз номини оқлаш йўлида изчил ишлар амалга оширилмоқда.



Президентимизнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қўрбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар



тўғрисидаги фармойиши қабул қилингани бунга кенг йўл очди.

Маълумки, ушбу фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида қатағон қўрбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш, улар хотирасини абадийлаштириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика ишчи гуруҳи ташкил этилган. “Йўл харитаси” асосида масъулларга вазирлик ва идораларнинг идоравий архивларидан фойдаланиш имконияти яратилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2022 ЙИЛ 23 ДЕКАБРДАГИ “2023 ЙИЛДА РАСМИЙ САНАЛАРНИ НИШОНЛАШ ДАВРИДА ҚЎШИМЧА ИШЛАНМАЙДИГАН КУНЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-270-СОН ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Рамазон ҳайитининг биринчи куни 2023 йилда 21 апрелга тўғри келишини инобатга олган ҳолда аҳолининг ушбу байрамни муносиб кутиб олиши ва юксак савияда ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “2023 йилда расмий саналарни

нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиغان кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармонига илова қилинган.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 20 апрель

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 20 апрелдаги ПФ-58-сон Фармонига илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиغان кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармонига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:
“1. 2023 йилда куйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

барча ходимлар учун (иш ҳафтасининг туридан қатъи назар): 2 январь – душанба, 24 апрель – душанба, 30 июнь – жума;

олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун: 3 январь – сешанба, 20 март – душанба, 22 март – чоршанба, 22 апрель – шанба, 1 июль – шанба, 2 сентябрь – шанба, 30 декабрь – шанба”.

2. 3-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.
3. 4-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги” сўзлари “Маданият ва туризм вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳам-жиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимизнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини таъминлаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларимиз туфайли яратилган қулай имкониятлардан самарали фойдаланиб, халқимиз муборак Рамазон ойини тинчлик-хотиржамлик ва шукроналик билан ўтказмоқда.

Айниқса, маҳалла,

(Давоми 2-бетда) ►

Олий Мажлис Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисида «Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Моҳият

Аёллар ва болалар ҳуқуқлари

янада такомиллашган ишончли
tizim билан ҳимоя қилинади



Мамлакатимизда **“Инсон қадрини учун”** тамойили асосида ҳар бир соҳада туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ислохотлардан кўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбога чиқариш, аҳолининг турмуш тарзини ва фаровонлигини таъминлаш, Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Халқни рози қилиш”**дан иборат.

Бу борада кейинги йилларда салмоқли ютуқларга эришилди. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имкониятларнинг яратилиши, мажбурий меҳнатнинг бекор қилиниши каби бир қатор ислохотлар халқро ташкилотлар ҳамда давлатлар томонидан юксак баҳоладан ҳамда жаҳон рейтингларида Ўзбекистоннинг мавқеи юқори поғоналарга кўтарилишига эришилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ислохотларнинг давом эттириши даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Оилаларда эр-хотин ўртасида юз бераётган нохуш ҳолатлар, хотин-қизлар, жумладан,

вояга етмаганларга нисбатан содир этилаётган тазйиқ ва зўравонликлар ушбу соҳадаги муносабатларни қайтадан кўриб чиқиб, тегишли чораларни белгилаш зарурлигини кўрсатди.

Бу борада ўтган йили апрель ойи охирида ўтказилган Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси йиғилишида хотин-қизлар, вояга етмаганларга нисбатан содир этилаётган тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари танқидий муҳокама қилиниб, ишчи гуруҳ тузилди. Ушбу ишчи гуруҳи зиммасига хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, уларга нисбатан содир этилаётган зўравонликларнинг олдини олиш ҳамда бундай турдаги ҳаракатлар учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, оиладаги зўравонлик учун алоҳида жавобгарликни белгилаш бўйича қонунчиликни ўрганиб, таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

(Давоми 3-бетда) ►

Айём



Меҳр-оқибат ва саховат байрами

Муборак Рамазон ойи тугаб, юртимизга Рамазон ҳайити – Йўл ал-фитр байрами кириб келди.

Рамазон ҳайити динимиздаги энг муқаддас байрамлардан бири ҳисобланиб, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва раҳм-шафқат рамзи ҳисобланади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Исроимнинг икки улуғ байрами ҳақида бундай деганлар: **“Аллоҳ таоло сизлар нишонлайдиган бу (жоҳилиятдан қолган) икки байрам ўрнига янада хайрлироғини – Рамазон ва Қўрбон байрамларини ҳадя этди”** (Абу Довуд ривояти).

Юртимиз мўмин-мусулмонлари ҳам ушбу байрам-

ларни файзли, шукуҳли кун сифатида интиқиб кутади. Куни кеча эълон қилинган Президентимизнинг **“Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”**ги қароридан халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат ва шукроналик туйғуларини юксалтириш, эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилгани барча ҳамюртларимизни мамнун этди. Икки ҳайитнинг дам олиш кунига айлантирилгани ҳам ўзгача хурсандчилик бахш этади.

(Давоми 4-бетда) ►

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

◄(Бошланиши 1-бетда)

Кейинги йилларда сизлар билан бирга бу борада улкан ишларни амалга ошираётганимиз халқимиз, жамоатчилигимизга яхши маълум, албатта.

Айниқса, юртимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари иш бошлагани, Бухорода Мир Араб олий мадрасасига, Самарқандда Ҳадис илми мактабига асос солингани, Қашқадарёда Абу Муин Насафий, Наманганда Султон Увайс Қараний қадамжолари, Тошкент шаҳрида Сузук ота мажмуаси янгитдан бунёд қилингани, ўнлаб муҳташам масжидлар, диний билим муассасалари барпо этилгани, зиёратгоҳ масканлар обод қилингани маънавий-руҳий ҳаётимизда алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Энг муҳими, бундай кенг кўламли ишларимиз Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси сингари муаззам обидалар қурилиши мисолида жадал давом эттирилмоқда.

Мўмин-мусулмонларимизга ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун янада қулай шароитлар яратилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, умра зиёрати бўйича квота бекор қилингани, ҳаж зиёратига борувчилар сони 3 баробар оширилганини қайд этиш зарур. Хусусан, биргина жорий йилнинг ўтган даврида 31 минг нафардан ортик

ватандошларимиз Макка ва Мадинада муқаддас ибодатларни бажариб, эл-юртимиз ҳақига эзгу дуолар қилиб қайтганларини таъкидлаш ўринли.

Айни вақтда юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан табаррук қадамжолар обод қилиниб, эҳтиёжманд кишилар, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётгани ҳам Рамазон ойининг аҳамияти ва файзу шукуҳини оширишга хизмат қилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш, диний-маънавий қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш йўлида олиб борилаётган сатъ-ҳаракатларнинг амалий ифодаси бўлиб, биз бундай савобли ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Биз жонажон Ватанимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳам-жиҳатлики сақлаш, халқимиз ҳаётини янада эркин, обод ва фаровон этишни мақсад қилган эканмиз, ўтган давр мобайнида эришган барча ютуқларимиз, жумладан, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасидаги ижобий ўзгаришларни ҳар томонлама мустақамлаб боришимиз кераклигини, буни ҳозирги ва келгуси тараққиётимиз тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши англаймиз, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун

Ўзбекистонда олиб борилаётган, инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётий манфаатларини таъминлашга қаратилган ислохотларимизнинг янада самарали ва бардавом бўлиши учун жон куйдириб, ўз тақдири ва келажагига чуқур масъулият ҳамда дахлдорлик туйғуси билан яшаб, фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизга, кўп миллатли бутун халқимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Ушбу шукуҳли лаҳзаларда дунё мўмин-мусулмонларини, дўст ва ҳамкорларимизни Рамазон байрами билан самимий кутлаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-барқарорлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Оила даврасида, маҳаллаларда муборак Ийд-ал-фитр айёмини хурсандчилик билан кутиб олаётган сиз, муҳтарам юртдошларимни яна бир бор табриклаб, барчангизга сihat-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Нияти пок, мақсадлари улуг халқимизнинг эзгу орзу-интилишлари рўёбга чиқсин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

◄(Бошланиши 1-бетда)

Ана шундай хайрли ишларнинг давоми сифатида улуг айём – Рамазон ҳайитини муносиб кутиб олиш ва юксак савияда ўтказиш, унинг моҳиятида мужассам бўлган меҳр-оқибат, саховат, олижаноблик ва бағрикенглик фазилатларини асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, эл-юртимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **21 апрель – жума** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2023 йил **21 апрель** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Рамазон ҳайити байрамини

муносиб кутиб олиши ва юксак савияда ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида **2023 йил 24 апрель (душанба)** куни иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар учун **қўшимча дам олиш куни** сифатида белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Рамазон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан бирга-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 20 апрель

●Оқлов

АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

*Олий судда 208 нафар
юртдошларимиз номи оқланди*



◄(Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида аниқланган, айрим сабабларга кўра, реабилитация қилинмаган қатағон қурбонлари номларини оқлаш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш белгиланган. Хусусан, Олий судда муайян сабабларга кўра, реабилитация қилинмаган қатағон қурбонларининг ном-

ишлари бўйича апелляция протестини бериш мuddатини тиклаш ҳақидаги илтимосномалар ҳамда апелляция тартибда протестлар киритилган.

19 апрель куни Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очиқ суд мажлисла-рида ушбу илтимосномалар ва протестлар қаноатлантирилди ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 83-мод-



ларини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳи тузилган.

Ишчи гуруҳнинг изчил фаолияти ва фаол сатъ-ҳаракати туфайли кейинги йилларда совет даврида қатағон қилинган 408 нафар ватандошимиз реабилитация қилиниб, оқланди.

Олий судда яна 208 нафар шахсга оид 3 та жиноят иши ишчи гуруҳ томонидан ўрганиб чиқилди.

Бош прокурор ўринбосари томонидан Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига ушбу жиноят

дасига асосан 3 та жиноят иши бўйича 208 нафар шахс оқланди.

Шу тариқа узоқ йиллардан буён юзага чиқмай келган ҳақиқат тантана қилди. Ватан озодлиги, юрт тараққиёти учун қувгин ва қатағон этилган юртдошларимизнинг пок номи оқланиб, тарихий адолат қарор топди. Зеро, мустақиллик йўлида фидо-корона курашган, бу учун ўз жонини фидо қилган қатағон қурбонларининг пок номлари халқимиз қалбида мангу яшайди.

Бобомурод РАЙИМОВ

Хабар

ОЛИЙ СУД РАИСИ АҚШ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

◄(Бошланиши 1-бетда)

Мулоқотда таъкидланганидек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг ҳозирги замон талаб ва мезонларига жавоб берадиган тизимини шакллантириш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда.

Учрашувда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шартларидан бири эканлиги қайд этилди.

Ўтган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан

такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

АҚШнинг элчиси мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий жиҳатлари билан таништирилди.

Қайд этилганидек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгариш ва янгиланишлар одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигини, судлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини мустақамлашга, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, одил судловга эришиш мустақил суд ҳокимияти зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифа ҳисобланади. Унинг нечоғлиқ муваффақиятли адо этилиши амалдаги қонун талабларига қатъий риоя этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 415¹-моддаси 2-қисмида судланувчига нисбатан айбловни оғирроғи билан ёки ҳақиқий айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов билан алмаштириш ёки бошқа шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган тақдирда, суд дастлабки терговда терговнинг тўлиқ эмаслиги ёки жиноят процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишларини ушбу кодекснинг 416 ва 417-моддаларига мувофиқ бартараф этиши зарурлиги қайд этилган.

Ушбу кодекснинг 416-моддасида суд тергов вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этгани, 417-моддада жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, суд жиноят иштини қўзғатиш тўғрисида тегишли материалларни илова қилган ҳолда айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга юбориши шартлиги белги-

ланган.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2022 йил 14 майдаги “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибда қўриш амалиёти тўғрисида”ги қарориди ҳам судларга қайд этилган қонун меъёрларини тўғри қўллаш ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Ушбу қонуний талабларни баён этишдан мақсад шуки, куйида баён этиладиган ҳолатда айнан шу асосларга таянилди. Гап шундаки, қян-да Жиззах вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида биринчи босқич судининг 2021 йил 18 июндаги ҳукмига мувофиқ Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми “д” банди билан айбдор деб топилган Маҳмуд Мўйдинов (исм-шарифлар ўзгартирилган)га нисбатан чиқарилган суд ҳукми устидан жабрланувчининг қонуний вакили Мастура Саломова томонидан берилган апелляция шикоятни қўриб чиқилди.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, М.Мўйдинов 2021 йил 7 март куни тани-

ши Шерзод Эшдавлатовнинг уйида спиртли ичимлик ичиб, у билан жанжаллашиб қолган. Жанжал пайтида М.Мўйдинов Ш.Эшдавлатовни уриб, танаси ва бош қисмига оғир тан жароҳати етказган. Бунинг натижасида Ш.Эшдавлатов дунёдан кўз юмган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг хулосасида марҳум Ш.Эшдавлатов олган тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра, ҳаёт учун хавфли бўлган жароҳатлар тоифасига кириши ва унинг ўлими билан узвий боғлиқ экани қайд этилган.

Жабрланувчининг қонуний вакили М.Саломова биринчи босқич судининг М.Мўйдиновга нисбатан чиқарилган ҳукми устидан берган апелляция шикоятини тоғаси Ш.Эшдавлатов қасддан ўлдирилганини баён этган. Шунингдек, жиноятни М.Мўйдиновнинг ёлғиз ўзи содир этмагани, тергов ва судда иш бўйича гувоҳлик берган Баҳром Оллоёров ҳамда Умид Бекназаров ҳам тоғасини биргаликда ўлдирганини аниқлашди.

Шу ўринда ҳақиқ савол

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатилиб, бир қатор лойиҳалар доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Олий суд томонидан USAIDнинг янги “Суд тизимини мустақамлаш” лойиҳаси доирасида суд-ҳуқуқ тизимини янада ривожлантириш ва бошқа бир қатор долзарб масалалар юзасидан яқин ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда АҚШ

Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) “Суд тизимини мустақамлаш” лойиҳаси доирасидаги амалий ҳамкорлик Ўзбекистон суд тизимини янада мустақамлаш йўлида ўз натижасини бериши ва муваффақиятли амалга оширилишига ишонч билдирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Америка Қўшма Штатларининг суд органлари билан суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлик бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Конструктив ва самимий руҳда ўтган учрашув доирасида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Жамоатчилик билан алоқалар маркази

Жиноят ва жазо

ҚАЙТА

туғилади: хўш, М.Мўйдинов, Б.Оллоёров ва У.Бекназаровга қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этишдек жиддий айблов қўйилиши сабаби нимада?

М.Саломованинг баён қилишича, тоғаси Ш.Эшдавлатов яшаб келган уйни унга 2014 йилда ўз номида бўлгани учун момоси Қундуз Эшдавлатова нотариал тартибда васиятнома орқали расмийлаштириб берган. У вафот этгач, уйда Ш.Эшдавлатовнинг ёлғиз ўзи яшаб келган.

Кутилмаганда Мастура Саломовага доволаниши учун пулга зарурат туғилади. Шу боис у ҳовлини сотишга қарор қилади. Аммо уйни сотса, тоғаси кўчада қолишини уйлаб, тезда бу фикрдан қайтади. Ҳовли сотилаётганини эшитган маҳалла раиси Баҳром Оллоёров унга ҳаридор бўлади. Мастура агар уйни сотса, тоғаси кўчада қолишини айтгач, Б.Оллоёров ўзига ҳозирча уй зарур эмаслиги ва у ерда Ш.Эшдавлатов бемалол яшайверишини билдиради.

Бу гап М.Саломовага ҳам маъқул тушади. Улар тоғаси вафот этгунига қадар хонадоннинг олди-сотдиси ўрталарида сир бўлиб қолишга келишиб, уй Б.Оллоёровнинг турмуш ўртоғи номига расмийлаштириб қўйилади. Лекин ҳаридорнинг айби билан сир сақланиши керак бўлган уй олди-соттиси келишуви ҳаммага ошкор бўлади. Бу ордада Ш.Эшдавлатов вафот этгач, М.Саломова тоғасини Б.Оллоёров уйни тезроқ эгаллаш мақсадида буюртма билан ўлдиртирган, деган шубҳага боради. М.Саломованинг кўнглида ана шундай гумон туғилишига тергов чоғида Б.Оллоёров Ш.Эшдавлатовни ўлдириш учун М.Мўйдиновга бир минг АҚШ доллари таклиф қилганини эшитгани ҳам сабаб бўлади.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати М.Саломованинг шикоятини ўрганиш чоғида М.Мўйдиновнинг жиноий қилмиши Жиноят кодексининг 97-моддаси билан қайта малакаланиши керак, деган тўхтамга келди.

◄(Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, бу борадаги ўрганишлар соҳани тартибга солувчи қонунчиликда бир қатор бўшлиқ ва муаммоли масалалар мавжудлигини кўрсатди. Хусусан, қонунчиликда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид бир қатор муҳим ҳамда ҳозирги кунда долзарб бўлган тушунчалар, жумладан, оиладаги зўравонлик тушунчаси мавжуд эмас.

Бундан ташқари кейинги вақтларда хотин-қизлар ва болаларга нисбатан турли хилдаги зўравонлик ҳолатлари ортиб бораётгани ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришни, хусусан, жиноий ва маъмурий жавобгарликнинг махсус турларини киритиш, бундай турдаги оиладаги зўравонлик янада кучайтиришни талаб қилмоқда.

Таҳлиллар якуни бўйича тайёрланган таклифлар асосида **“Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонуннинг энг муҳим жиҳатлари ҳақида мухтасар тўхталамиз.

Биринчидан, амалдаги қонунчиликка “оилавий (маиший) зўравонлик”, “таъқиб этиш” каби тушунчалар киритилиб, ушбу ҳуқуқбузарликлар учун тегишли равишда маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликлар белгиланмоқда. Эндиликда хотини ёки эрига, собиқ хотини ёҳуд собиқ эрига, бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахс ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган зўравонлик тегишинча, маъмурий ҳамда жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексидаги “аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш” тушунчаси “шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш” тушунчасига алмаштирилмоқда. Мазкур ўзгариш ҳар икки жинслилар манфаатини тенг ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Иккинчидан, жинсий зўравонлик, жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан эндиликда қонунчиликда кўзда тутилган енгилликларнинг берилмаслиги назарда тутилмоқда.

Яъни амалдаги қонун талабига кўра, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланиши мумкин.

Бироқ ушбу қоида умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс, ўта хавфли рецидивист, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшманинг ташкилотчи ва қатнашувчилари, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлди-

риш, давлат, тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлик, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қиргин қуролларини, шундай қуролларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни контрабанда қилганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланмайди.

Эндиликда янги қонунга кўра:
— ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчининг номусига текканлик ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жин-

сақлаганлик учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан ҳам жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланмайди.

Учинчидан, жинсий эркинликка тажовуз қилиш жиноятига нисбатан оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида қаралмоқда. Шу боис қонунчилик янада кучли санкциялар билан тўлдирилмоқда.

Хусусан, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш, ўн олти

● **Моҳият**

Аёллар ва болалар ҳуқуқлари янада такомиллашган ишончли тизим билан ҳимоя қилинади



сий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик;

— ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни жинсий алоқада бўлиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда жинсий алоқа қилишга мажбур этганлик;

— шахснинг ўн олти ёшга тўлмагани айбдорга аён бўлган ҳолда у билан жинсий алоқа қилганлик ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирганлик ёки унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилганлик;

— вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудига олиб кирганлик, шунингдек, уни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намойиш этганлик ёҳуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб этганлик;

— вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилганлик, фоҳишахоналарни ташкил этганлик ёки

ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва унга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш каби жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Тўртинчидан, Жиноят кодексидатамом бўлмаган жиноятлар учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу кодекс махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги кераклиги белгиланган. Янги қонун билан айни қоида қўлланмайдиганлар доираси кенгайтирилмоқда.

Эндиликда ушбу қоида номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, шунингдек, тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, вояга етмаган шахсларни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларга жалб қилиш, вояга етмаган шахсни жалб этган ҳолда қўшмачилик қилиш, фоҳишахоналарни ташкил этиш каби жиноятларни содир этган шахсларга ҳам қўлланмайди.

Бешинчидан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонликни содир этган шахсларнинг болаларга таълим-тарбия бериш, уларни соғломлаштириш, шунингдек, болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шугулланишни тақиқлаш ҳамда бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг рўйхатини юритишга кўзда тутилмоқда.

Олтинчидан, аҳолининг қўл телефонлардан кенг фойдаланиши одатий тусга айланганидан айрим кимсалар фойдаланиб, қўл телефондаги шахсий маълумотлар, жумладан, шахснинг расмларини турли хил йўллар билан қўлга киритган ҳолда, ижтимоий тармоқларда тарқатаётган ёки тарқатиш билан кўрқитиб таъмагирлик қилаётган ҳолатлар учрамоқда.

Бундай салбий ҳолатларнинг ол-

дини олиш ҳамда бу турдаги ҳаракатлар учун қатъий жазо чорасини кўриш мақсадида Жиноят кодекси янги 141³-модда билан тўлдирилмоқда.

Еттинчидан, жамоат жойларида эркаклар томонидан хотин-қизларга ҳақоратомуз ва уларнинг нафосини-тига тегадиган гапларнинг айтиш ҳолатлари учраб туради. Бу каби ҳолатлар хотин-қизларнинг кўркувга тушиши ва ҳадиксирашига сабаб бўлади.

Бундай ҳолатлар ҳуқуқбузарлик эканлиги, бунинг учун қатъий жавобгарлик чоралари мавжудлиги ушбу салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу сабабли эндиликда хотин-қизларга нисбатан “шилқимлик” қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Саккизинчидан, алиментдан қарздорлиги бор шахсга нисбатан маъмурий қамоқ ёки жарима жазосининг тайинланиши алимент олувчининг аҳволини яхшиламайди. Аксинча, қамоқ жазоси тайинланган ҳолда алимент тўловчи 15 сутка ишлаб пул топиш имкониятидан маҳрум бўлади, жарима жазоси эса, унинг моддий аҳволини янада оғирлаштиради.

Шу сабабли маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги, яъни “ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий жалб қилиш” жазо тури билан билан тўлдирилмоқда. Ушбу жазо турининг жорий этилиши ундирувчи талабини қанотлантиришга ёрдам беради.

Тўққизинчидан, эндиликда ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармасдан хорижга чиқиб кетиши ёки яшаш жойларини тарк этиши маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўнинчидан, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига бериладиган ҳимоя орденининг муддати суд томонидан 1 йилгача узайтирилиши белгиланмоқда. Тазйиқ ўтказган ёки зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан қўшимча чекловлар, жумладан, муайян жойларга боришини тақиқлаш, жабрланувчи яшайдиган уй-жойдан фойдаланмаслик, жабрланувчининг иш жойига ёки у жойлашган бошқа жойларга яқинлашмаслик каби вақтинчалик чекловлар ўрнатилмоқда.

Шундай қилиб, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши:

- хотин-қизлар, шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига, жумладан, уларга нисбатан содир этилиши мумкин бўлган тазйиқ ва зўравонликларнинг олди олинишига;
- хотин-қизлар ҳамда вояга етмаганларга нисбатан содир этилган тазйиқ ва зўравонлик ҳаракатлари учун айбдор шахсларга адолатли жазо чоралари белгиланишига;
- хотин-қизлар ва вояга етмаганларнинг жамиятда ижтимоий маслашувчанлигини оширишга хизмат қилади.

Шухрат Чўлпиев, *Олий Мажлис Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари*



Суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган. Малакали юридик ёрдам турли шаклларда кўрсатилиши мумкин. Шулардан бири суддаги вакиллик институтидир. Фуқаролик процессуал кодекснинг 65-моддасида фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ва ўз вакиллари орқали юритиши мумкинлиги белгиланган.

Вакиллик — ишончнома, қонун, суд қарори ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжати

га асосланган ваколат билан бир шахс (вакил) томонидан бошқа шахс (ваколат берувчи) номидан тузилган битим ҳисобланади. У ваколат берувчига нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита ву

жудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Ваколатсиз вакиллик – вакил қилинмаган шахс томонидан бошқа шахс номидан тузилган ёки ваколатлардан ташқари чиқиб тузилган битим ваколат берган шахс ушбу битимни кейинчалик маъқулланган тақдирдагина унинг учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади. Битим тузишга ваколат берган шахс битимнинг ижрога қабул қилинганидан гувоҳлик берувчи ҳаракатлар қилгани ҳам унинг маъқулланганини кўрсатади.

Бундан ташқари фуқаролик ҳуқуқида “тижорат вакиллиги” деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, тадбиркорлар шартнома тузаётганида улар номидан вакиллик қилувчи шахс (тижорат вакили) вакилнинг ваколатлари кўрсатилган ёзма шартнома асосида, бундан ваколатлар кўрсатилмаган тақдирда ишончнома асосида ҳам иш олиб боради. Тижорат вакили ўзининг иштирокида тузилган шартномадаги турли тарафларнинг манфаатларини фақат бу тарафларнинг розилиги билан ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллардагина айни бир вақтда ифодалаши мумкин.

Шу ўринда шахсий ва бошқа ҳуқуқий муносабатларда кўп қўлланиладиган ишончнома тушунчасига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Қонун талабига мувофиқ бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдид

а вакиллик институти фуқароларнинг малакали ҳуқуқий ёрдам олишига қулайлик яратиши баробарида вақт ва моддий ресурсларни тежаш

и билан муҳим аҳамиятга эга.

Шахноза СУВОНОВА, *Судьялар олий мактаби тинловчиси*

Турмуш чорраҳаларида

БАЖАРИЛМАТАН ЗАЪДА

ёҳуд фириб тузоғи

Юртимизда мунис, меҳрибон ва ҳалол аёллар жуда кўп. Улар ҳалимша эъзоз ва ардоққа муносиб. Аммо Хонқа туманидаги “Порлоқ” маҳалласида яшовчи Шохсанам Худойназарова (исм-шарифлар ўзгартирилган) бундай таърифдан анча йироқда.

Гап шундаки, содда одамларни ишонтириш маҳоратини яхши эгаллаган Ш.Худойназарова ўтган йилнинг май ойида Олажа қишлоғида истиқомат қилувчи тадбиркор Қобил Зариповга ўзини шакар савдосининг уддабурон вакили сифатида таништирди. Ўзаро мулоқот чоғида у исталган миқдорда шакар етказиб бериши мумкинлигини ишонarli тарзда баён қилди. “Ишбилармон” аёлининг гапларига ишонган Қ.Зарипов унинг қўлига 23 миллион юз минг сўмни қандай берганини ўзи ҳам билмай қолди. Шу бўйи ишонувчан тадбиркорга қорасини ҳам кўрсатмаган Ш.Худойназарова 30 май куни Хонқа деҳқон бозорида савдо-сотик билан шугулланувчи Рустам Содиковнинг олдига бориб, харидорни махсулот ҳисобланган бугдой унини етказиб бериш мумкинлигини билдирди. Унинг гап-сўзларига ишонган дўкандор 300 қоп унга харидор бўлди ва олдиндан

лият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

Ишончнома оддий ёзма ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади. Нотариал шаклни талаб қилувчи вакилларни тузиш ёҳуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши шарт. Юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида амал қилади. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Қонунчиликда “ишончнома бўйича ваколатларни бошқа шахсга бериш” деган тушунча ҳам мавжуд. Бунда ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, у ҳаракатларини амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Ишончномининг амал қилиши қўйдаги ҳолларда бекор бўлади:

Ишончнома муддатининг тавом бўлиши, ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши, ишончнома берилган шахснинг бош тортиши, номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши, номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўғатилиши, ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши ёҳуд унинг вафот этиши, ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомалага лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши ёҳуд унинг вафот этиши натижасида бекор бўлади.

Ишончнома берган шахс исталган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса, ундан воз кечиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, вакиллик институти фуқароларнинг малакали ҳуқуқий ёрдам олишига қулайлик яратиши баробарида вақт ва моддий ресурсларни тежаш билан муҳим аҳамиятга эга.

Шахноза СУВОНОВА, *Судьялар олий мактаби тинловчиси*



МАЛАКАЛАШ

асосида одил судлов таъминланди

Чунки Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 8-бандида қасддан одам ўлдириш жинояти малакаларига оид аҳоли деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ўзини ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёҳуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳоллари тушунилиши баён қилинган. Жабрланувчининг алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай олмайдиغان даражада мастлиги унинг ожиз аҳволда бўлган, деб тан олинишга асос бўлиши мумкин.

Ана шу асосларга таянган

апелляция судлов ҳайъати тергов органи томонидан қонун ҳамда Олий суд Пленуми қарори талабларига риоя қилинмаган, иш ҳолатлари тўлиқ, синчковлик билан ҳар томонлама ўрганилмаган, айбдорларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаган, деган хулосага келди. Бундан ташқари М.Мўйдинов ва У.Бекназаровнинг кўрсатмаларига қонуний ёндашилмагани, маҳалланинг собиқ раиси Б.Оллоёровни уйни эгаллаш учун Ш.Эшдавлатовни ўлдириш ёки унга тан жароҳати етказиш ҳақида ҳақ ваъда қилган ҳолда М.Мўйдинов ва У.Бекназаровга буюртма бергани тўғрисидаги важлар тўлиқ текширилмагани, М.Мўйдиновнинг ҳаракатларида қасддан одам ўлдириш жиноят таркиби

мавжудлиги сабабли биринчи босқич судининг 2021 йил 18 июндаги М.Мўйдиновга нисбатан чиқарилган ҳукмини бекор қилди. Қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш учун иш материалларини прокурорга топшириш тўғрисида ажрим чиқарди. Тергов органи томонидан қонунда кўрсатилган муддатда қўшимча тергов ҳаракатлари ажунлангач, жиноят иши жиноят ишлари бўйича Зарбдор тумани судининг очиқ суд мажлисида мазмунан муҳокама этилди. Суд М.Мўйдиновни Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, унга 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шунингдек, суд М.Саломованинг вазлларини асоссиз

деб топди. Чунки ушбу жиноят содир этилган вақт — 2021 йилнинг март ойида М.Мўйдинов Б.Оллоёров ва У.Бекназаров билан учрашмаган. М.Мўйдинов дастлабки тергов чоғида Б.Оллоёров ўзи билан У.Бекназаровга бир минг АҚШ долларини эвазига Ш.Эшдавлатовни уриб, шифохонага ётқизишни илтимос қилганини билдирган.

Аслида М.Мўйдинов ўзининг қилмишидан кўрқиб, “Шундай кўрсатма берсам, Б.Оллоёров мени жавобгарликдан кутқариб қолади”, деб ўйлаган. М.Мўйдиновнинг Ш.Эшдавлатовга тан жароҳати етказганидан Б.Оллоёров ва У.Бекназаровнинг мутлақо хабари бўлмаган. Бинобарин, М.Мўйдинов, Б.Оллоёров ва У.Бекназаровнинг суддаги кўрсатмаларида Ш.Эшдавла-

товни қасддан ўлдириш тўғрисида келишув бўлмагани, пул таклиф қилинмагани тўлиқ исботланди. Хулоса ўрнида айтидиган бўлсак, тафсилоти баён этилган жиноят ишининг қонун талабларига қатъий риоя этилган ҳолда кўриб чиқилгани айбсиз фуқароларни асоссиз жазоланишдан асраб қолиши баробарида одил судловни таъминланишига хизмат қилди. Янги айблов ишининг ҳақиқий ҳолатини ойдинлаштириш, судланувчига нисбатан қонуний ва адолатли жазо тайинланишига асос бўлди.

Қаҳрамон ХОЛМУРОДОВ, *Жиззах вилояти суди судьяси Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ*, *“Куч-адолатда” муҳбири*

(Давоми 4-бетда) ►

Айём

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу йилги Рамазон ойи юрти-миз мусулмонлари учун қутилмаган янгилик ва тухфаларга бой бўлди. Шу боис музорак ой ҳар қачонгидан ҳам ўзгача бир тароватда ўтди.

Ихлосли мўмин-мусулмонларимиз кундузлари рўза тутиб, кечалари масжидларда таровеҳ намозларида, хатми Қуръонларда иштирок этиб, Яратгандан эл-юртимиз тинчлиги, ободлигини сўраб дуою илтижолар қилдилар. Буларнинг ҳаммаси, умид қиламизки, азиз Ватанимиз осудалиги ва жонажон халқимиз ҳаётининг фаровонлигига сабаб бўлади, албатта.

Бу йил илк бор қутлуғ Рамазон ойда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Умра зиёратига боришга имконияти етмаган, кам таъминланган, ижтимоий дафтарларда рўйхатда турган эҳтиёжманд оилалар вакиллари Умра сафарига юборилди.

Яъни 1 минг 500 нафар ҳамюртимизнинг бир умрлик орзуси руёбга чиқди. Кемтик кўнгиллари тоғдек кўтарилган отахон ва онахонлар давлатимиз томонидан кўрсатилмаётган бундай ғамхўрликлардан миннатдор бўлиб дуолар қилди.

Рамазон меҳр-оқибат ва хайр-саховат ойидир. Шу муносабат билан бу ойда ёши улуг кексалар, имконияти чекланган, меҳрга, ўзгалар кўмагига муҳтож кишилар ҳолидан хабар олинди. Кўнгилларга шодлик улаштириб, ифторлик дастурхонлари ёзилди.

Мамалякатимизнинг турли вилоятларида ташриф буюрилиб, кам таъминланган, муҳтож оилаларни ҳар томонлама қў-



лаб-қувватлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, оилаларга зарур ёрдам кўрсатиш, уларнинг муаммоларига ечим топиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

Масалан, анча вақтдан бери уйи йўқлигидан қийналиб келаётган Термиз тумани, “Шодлик” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Шукур Мардон оиласига “Бақф” хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти филиали томонидан беш хонали уй-жой қуриб берилди.

Рамазон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар этади. Бу улуг айём меҳр-оқибат, ўзаро биродарлик, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримизга янада қувват беради.

Ҳайит – улуг байрам. Шунинг учун бу кунни яқинларимизни йўқлаб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, ёши улугларни зиёрат қи-

лиш, муҳтожларга меҳр-муруват кўрсатиш, оилаларга хурсандчилик улаштиш ва, умуман, байрамнинг кўркига-кўрк қўшадиган амали солиҳлар билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Расулимиз соллаллоху алайҳи васаллам бу кунда янада меҳрибонроқ, шафқатлироқ бўлар, етим-есирлар бошини силар, қариялар, касалмандлар, муҳтожлардан хабар олар, уларнинг кўнгилларига ҳам байрам шукҳини олиб қирар эдилар. Бу кунда гина-қудуратларни унутиб, кечиримли бўлиш лозим.

Муҳаддис аллома Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимахуллох бундай деган: “*Ҳайит кунлари шодликни изҳор қилиш диннинг шиорларидандир*”.

Лекин минг таассуф билан айтиш керакки, ушбу хурсандчилик, байрам кайфиятига соя солиб қўяётган бир иллатдан қутулишимиз қийин кечмоқда.

Бу маросимларга кетадиган маблағ ва неъматларни эҳтиёжманд кишилар, етим-есирларга тарқатсак, қариндош-уруғ, ёру дўстлар билан дийдорлашсак, кекса ёшдаги улугларимизни зиёрат қилиб дуоларини олсак, ўз аҳилларимизга совғалар улашиб, бир-биримиз ва болаларимизни хурсанд қилсак, бунинг савоби улугдир.

Зеро, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам “*Фарз амалларидан кейин Аллоҳга энг маҳбуб амал мўминнинг қалбига хурсандчилик киргизишдир*”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Испом дини адолат ва меҳр-мурувват, поклик ва бағрикенгликка чорловчи, кишиларни мансабу бойлик, нафсу ҳаво каби сароб фароғатлар ортидан қувишга эмас, аксинча, шахсий таъмадан кўра, халқ манфаати ва юрт фаровонлигини устун қўйиш, шу йўлда астойдил меҳнат қилишга даъват этувчи таълимотдир.

Юртимиздаги барча жоме масжидларида мўмин-мусулмонлар ҳайит намозларини эмин-эркин адо этди. Дуога очилган қўлларда, дилларда ягона тилак: Парвардигорнинг ўзи тинч-осойишта Ватанимизни ёмон кўзлардан асрасин, эркин ва фаровон келажак кураётган мард ва олижаноб халқимизга мададкор бўлсин, фарзандларимизни илмли, имонли қилсин, хонадонларимиздан файз-барака аримасин, тўкин-сочинлик ва фаровонлик бардавом бўлсин.

Даврон

НУРМУҲАММАД,

Ўзбекистон мусулмонлари идораси мутахассиси

● Қизиқарли фактлар

Машҳур инсонларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, ўзгача феъл-атвори ва одамлари кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Қолаверса, улар билан боғлиқ бўлган антиқа воқеа-ҳодисалар ҳам киши эътиборини тортиши табиий. Қўйида шулар ҳақда ҳикоя қиламиз.



ҲАЗИЛ ТАГИ — ЗИЛ...

Детектив асарлари билан дунёга машҳур бўлган Артур Конан Дойл бир куни йирик банкирларга телеграмма жўнатади. Ёзувчининг ҳазил хабарномаси қисқагина эди: “Ҳаммаси аён бўлиб қолди. Тезда яширининг”. Эртаси куни хабар жўнатилган 12 нафар банкирнинг барчаси Лондондан жуфтакни ростлайди...

ЧОРАСИЗ МАСХАРАБОЗЛАР

Таниқли япон автомобил компанияси асосчиси Соичиро Хонда 1951 йили бизнесдаги шериги Такео Фужисава билан кредит олиш учун “Митсубиши” банкига мурожаат қилади. Улар иқтисодий аҳволи жуда танг бўлгани учун охириги пулларини тўплаб, зиёфат уюштиришади ва банк мутасаддиларини таклиф этишади. Бундан қўзланган мақсад молиячиларнинг кўнглини олиш ва кредит ундириш эди. Меҳмонлар еб-ичади, Хонда ва Фужисава ҳам улар билан бирга яйраб ўтиради. Ҳатто меҳмонларни хушнуд этиш учун кичик саҳна кўриниши ташкиллаштириб, аскиябозлик ҳам қилишади. Ишбилармонлар эртаси куни банкка катта ишонч билан кириб боришади. Бироқ талабно-маларига рад жавоби берилганини билиб, тарвузлари қўлтиқларидан тушади. Банк қарориди шундай сўзлар бор эди:

“Банк иккита масхарабоз раҳбарлик қиладиган фирмага ишона олмайди”.

НАПОЛЕОН “ЛОТЕРЕЯ”СИ

Наполеон Бонапарт ҳукмронлиги даврида 5 франклик тангалар ҳам муомалага киритилади. Танганинг ҳажми сезиларли даражада катта бўлгани учун одамлар ундан фойдаланмаслики маъқул кўради. Натижада банклар фазнасида уюм-уюм тангалар тўпланиб қолади.

Вазиятдан чиқиш учун император 5 франклик тангалардан бирига шахсан ўзининг қўли билан ёзилган 5 миллион франкки чек жойлаб қўйилгани, топган киши уни давлат банкда истаган вақтида нақдлаштириб олиши мумкинлиги ҳақида эълон беради. Қўз очиб-юмгунча банкдаги 5 франкки тангалар муомалага кириб кетади. Бироқ Наполеон қўли билан ёзилган чекни топиб, 5 миллион франкка эга бўлиш бахти бугунгача ҳеч кимга насиб этгани йўқ.

“ХОТИРЖАМ БЎЛИШИНГИЗ УЧУН...”

Машҳур масалчи Иван Криловга ижарада турган уйнинг эгаси бир шартнома кўтариб келади. Шартномада агар ижарачининг айби билан ёнгин чиқадиган ва уйга зарар етатидиган бўлса, у 60 000 рубль тўлаши кўрсатилган эди. Крилов кўрсатилган сумманинг ортига яна иккита нол қўшиб қўяди.

— Мен ҳамма шартларга розиман, — дейди масалчи қоғозни уй соҳибига қайтарар экан. — Мутлақо хотиржам бўлишингиз учун зарар қопламасини юз баравар кўпайтириб қўйдим. Мендан нима кетди? Ёнгин чиқадиغان бўлса, биринчиниям, иккинчи сумманиям барибир тўлай олмайман-ку?!

ОДАМЛАР НИМАДАН НАФАС ОЛГАН?

Таниқли болгар олими ва ёзувчиси Асен Златаров табиат бойликлари ҳақида маъруза ўқийтганда кислород 1773 йилга келибгина кашф этилгани, усиз ҳаёт кечирishi мумкин эмаслигини эслатиб ўтади. Шунда залдагилардан бири ҳайқириб юборади:

— Наҳотки?! Унгача одамлар қандай нафас олган?!

“ДАВОЛАЙ ОЛМАЙМАН...”

Машҳур олмон врач ва микробиологи, физиология ва тиббиёт соҳасида Нобел мукофоти совриндори Роберт Кохнинг хузурига башанг кийинган димоғдор бир аёл кириб келади.

— Нима шикоятингиз бор, азизам? — деб сўрайди врач.

— Жаноб профессор, — дея гап бошлайди халиги аёл. — Бу нима адабсизлик? Ким билан гаплашаётганингизни биласизми? Менга ҳамisha “муҳтарама хоним” деб мурожаат этишади. Бошқача қақирлишларига ўрганмаганман.

— Минг афсус, мен бу касалликни даволай олмайман, — деб қуруққина жавоб беради унга Кох ва эшикка юзланади: — Навбатдаги ким?

Интернет материаллари асосида
Шоҳрух ТОШКЕНТОВ тайёрлади.

Турмуш чорраҳаларида

БАҲАРИМАН
ЗАЪДАёхуд
фириб тузоғи

◀ (Бошланиши 3-бетда)

Фирибгар аёлнинг алдовларига ишониб, “Тома” маҳаласида истиқомат қилувчи А.Юнусова 600 минг, С.Қурбонова 4 миллион 250 минг, Ҳ.Аъзамова 650 минг, Г.Тоҳирова 3 миллион 177 минг, И.Раҳимбоева 2 миллион 220 минг, “Олчин” маҳалласида яшовчи Д.Шарипова 4 миллион, 3.Жуманиёзова 200 минг, М.Сафарова 800 минг, “Туркистон” маҳалласида яшовчи Н.Убайдуллаева 4 миллион 20 минг сўмини унинг қўлига тутказишди.

Ўзганинг ҳақи ҳеч қачон бировга буюрмаган. Бу ҳаёт ҳақиқати бу гал ҳам ўз исботини топди. Жабрланувчиларнинг мурожаати асосида Ш.Худойназаровага нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Тергов ва суд муҳокамаси чоғида айбига қисман иқдорлик билдирган Ш.Худойназарова Урганч шаҳридаги “Даритал” савдо мажмуасида ун, ёғ, совун, шакар каби маҳсулотлар савдоси билан машғул бўлиб келгани, пулини олдиндан тўлаган айрим харидорларнинг алданган қолишига ҳамкори О.Солиев сабабчи бўлганини баён этди.

Албатта, судда ишдаги ҳар бир ҳолатга аниқлик киритилди. Содир этилган қилмишнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси, айбнинг хусусияти ҳамда етказилган зарар миқдори миқомада этиш чоғида ўз хатти-ҳаракатларига

иқдорлиги, пушаймонлиги, оилавий аҳволи, 3 нафар вояга етмаган фарзандни якка ўзи тарбиялаётгани, етказилган зарар қисман қоплангани сингари ҳолатларни инобатга олиб, суд фирибгарлик жиноятини содир этган Ш.Худойназаровага нисбатан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Бундан ташқари судланувчи зиммасига жабрланувчига етказилган 55,9 миллион сўмлик зарарни қоплаш мажбурияти ҳам юклатилди.

Хулоса ўрнида бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоизки, амалиёт таҳлиллари ҳали етарли ҳуқуқий билимга эга бўлмаган кишилар фирибгарлик тегири-монига сув қўяётганини кўрсатмоқда. Чунки Ш.Худойназарова сингари фирибгар кимсаларнинг қуюқ ваъдасига ишониб, катта қабридан пулни бериб юборишга оддийлик ва соддаликдан ташқари қонунларни билмаслиги, осон даромад топиш каби омиллар ҳам хисса қўшаётгани аниқ ҳақиқат. Шу боис жамиятимизда ҳуқуқий савдонлиқни юксалтириш, ҳар бир ишда қонун талабларига риоя этишни кенг тарғиб этиш зарур. Ана шунда фирибгарлик сингари жиноятларнинг олди олинади.

Мурод ҲАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Урганч шаҳар суди раиси

Жиноятга жазо муқаррар

Ёлғон хабар ва гувоҳлик бериш

Жиноят иши ёки суриштирув доирасида ғайриқонуний воқеа-ҳодисага нисбатан ҳар бир далил ва маълумотнинг ҳаққонийлиги, мақбуллиги адолатни юзага чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Аммо баъзан ҳаётда айбланувчи, гувоҳ ёхуд ўзининг бошқа иштирокчилари томонидан тергов-суриштирувни чалғитиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Албатта, қонунчиликда бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг “Одил судловга қарши жиноятлар” дея номланган XVI-бобида шу турдаги жиноятлар ва улар учун тайинланадиган жавобгарлик чоралари ўз ифодасини топган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларини овоза қилиб, уларнинг вақтини ўғирлайдиган, қолаверса, суриштирув, тергов ва суд ишининг ортиқча чўзилишига сабаб бўладиган қилмишлар сирасига Жиноят кодексининг 237-моддасида назарда тутилган ёлғон хабар бериш ва 238-моддасида қайд этилган ёлғон гувоҳлик бериш жиноятлари ҳам қиради. Бундай жиноий қилмишлар гарчи амалиётда камроқ учраса-да, улар аянчилик оқибатларини келтириб чиқаради.

Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратсак, Мировод туманида яшовчи 32 ёшли Ботир Ўрмонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) муқаддам бир неча марта судланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган.

Б.Ўрмонов ўтган йилнинг 8 январь куни “Қўйлик” бозори яқинидаги

“Компас” савдо мажмуаси олдида илгари ўзи билан бирга жазо муддатини ўтаган Нажмиддин Шоимов билан учрашиб қолади.

— Агар пулинг бўлса, ер участкалари қўйилган он-лайн аукционда қатнашиб кўр. Ажабмас, омадинг келиб, ютиб чиқсанг, — дея таклиф билдиради Н.Шоимов.

— Қанча пул керак бўлади?, — дея қизиқиб сўрайди Б.Ўрмонов.

— Беш юз доллар олдиндан тўланади, — деб жавоб беради Н.Шоимов.

Б.Ўрмонов маблағи бўлмагани сабабли оғайнисининг таклифини рад этади. Кейинчалик Н.Шоимов ундан 150 минг сўм қарз олади. Лекин улар қарзни қайтариш муддатини келишимайди. Орадан бироз вақт ўтгач, икковлоннинг ўртасидан гап қочиб қолади. Шунда Б.Ўрмонов қарзини сўрайди. Н.Шоимов ҳозир қарзни қайтариш имкони йўқлигини айтади. Аммо Б.Ўрмонов уни баттар қистовга олади. Агар ҳозир пулини бермаса, ички ишлар ходимларига мурожаат этишини маълум қилади.

Ноилжол қолган Н.Шоимов қўлидаги уяли телефони Б.Ўрмоновга беради.

тегишли жиноий
жавобгарликка асос бўлади

— Эртага қарзимни бериб, телефонни олиб кетаман. Агар пул топиб келолмасам, телефонни сотиб юбраварасан, — дейди Н.Шоимов.

Бироқ эртаси куни ҳам, орадан 3 кун ўтса ҳам қарздор пулни қайтара қачирмади. Суриштирув жараёнида ҳам у Н.Шоимовни фирибгарликда айблаб, ёлғон гувоҳлик беради. Лекин терговчи тўплаган далиллар Б.Ўрмоновнинг ёлғонларини фош қилиб қўяди. Оқибатда унинг ўзига нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Яқинда ушбу иш жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судида қўриб чиқилди. Суд Б.Ўрмоновни Жиноят кодексининг 237-моддаси 1-қисми ва 238-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хуллас, Ботир Ўрмонов каби ёлғон хабар ва гувоҳлик бериш учун қонунчиликда жиноий жавобгарлик белгиланган. Баён этилган воқеа тафсилоти бошқалар учун ҳам сабоқ вази-фасини ўтаса, ажаб эмас.

Шерзод ЮЛДАШЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Сергели тумани суди судьяси

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилми: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-145 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7015
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 22⁵⁵.